

ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

ДОИРАСИДА ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ
СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ЖАММИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 21 (991)
2026 йил
25 июнь,
Пайшанба

«Калтак есам ҳам мана
ўлмадим, одам бўлдим»,
дейдиган катталарнинг ичида
аслида қандай бахтсиз,
улғаймай қолган, кўрқоқ
болача яшиниб ётибди?
Сизлар нимани тан олгингиз
келмаяпти? Сиз қачон
каттарасиз, болалигингизда
кўрган зўравонликни
қоралаганда, ичингиздаги
кичкинагина, ҳамон
итоатгўй одамчани қўйиб
юборганингизда....

КАЛТАКНИ ОЛҚИШЛАЁТГАН КАТТАЛАР

100 ДОЛЛАРЛИК КЕЛИН

Қизи уч болали бўлди, ҳозир кўрсангиз
танимайсиз, бечоранинг аввалги чиройидан
асар ҳам қолмаган. Камига ҳар ҳафта ё ойда
ота-онасиникидан 100 доллар олиб бормаса,
қайнонаси ва эри уйига киритмас экан!





ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

ДОИРАСИДА ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкент халқаро инвестиция форуми (TXIF) доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди. Учрашувларда барқарор ривожланиш, иқлим барқарорлигини таъминлаш, чўлланишга қарши курашиш ҳамда экологик лойиҳаларга инвестицияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.



кистоннинг яшил кун тартибини илгари суриш ва бутун Марказий Осиё минтақасининг иқлим барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган истиқболли инвестиция лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув давомида мамлакатнинг 2030-йилгача мўлжалланган экологик ташаббуслари ва мақсадлари тақдим этилди. Улар қаторида бир миллиард туп дарахт ва бутакўчатларини экиш, қўриқланадиган табиий ҳудудлар майдонини мамлакат ҳудудининг 21 фоизгача кенгайтириш, ҳар бир ҳудудда дендрологик боғлар ташкил этиш, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 40 фоизга етказиш, ифлослантирувчи моддалар ташламаларини камайтириш ҳамда ёшларнинг экологик саводхонлигини ошириш каби вазифалар мавжуд.

Шунингдек, Ўзбекистонда ташкил этилган экологик таълим ва илм-фан экотизими ҳам тақдим этилди. У Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети («Green University») қошидаги илмий-тадқиқот институтлари, марказлар ҳамда ихтисослаштирилган «яшил» техникумлар тармоғини бирлаштиради.

Томонлар Янги тараққиёт банки билан деградацияга учраган ерларни тиклаш, чўлланишга қарши курашиш ва иқлимга чидамли сув ресурсларини бошқариш лойиҳаларини амалга

ошириш истиқболларини ҳам муҳокама қилдилар. Хусусан, иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган ёмғир сувларини йиғиш тизимлари ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш лойиҳаси тақдимга киритилди.

Туркий давлатлар ташкилоти ваколатхонаси ижрокчи директори Балаш Хендрих ҳамда Туркий давлатлар ташкилотининг Курғокчиликнинг олдини олиш институти Кузатув кенгаши раиси, доктор Ласло Орлоци билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Шуша шаҳрида ўтган норасмий саммитда илгари сурилган ташаббуслар муҳокама қилинди. Жумладан, Орол денгизи экологик инқирози оқибатларидан энг кўп зарар кўрган ҳудуд – Нукус шаҳрида штаб-квартираси жойлашадиган Туркий экологик кенгашни ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди.

Учрашувда иқлим ўзгаришига мослашиш, курғокчиликнинг олдини олиш, ер деградацияси ва қум-чанг бўронларига қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон томони қум-чанг бўронлари бўйича миллий ва минтақавий ерта огоҳлантириш тизимлари ҳамда иқлим маълумотлари, гидрометеорологик ахборот ва илмий тадқиқотларни интеграция қилиш орқали иқлим ха-

тарларини бошқаришга хизмат қиладиган Миллий иқлим ва гидрометеорология марказини ташкил этиш режалари билан таништирди.


Музокаралар давомида курғокчилик мониторинги, хавфларни баҳолаш, прогнозли моделлаштириш ҳамда Ерни масофадан зондлаш ва иқлим таҳлилининг замонавий технологияларини қўллаш соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Айниқса, чўлланиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда, аввало, Оролбўйида пилот лойиҳаларни амалга ошириш, тажриба алмашиш дастурларини йўлга қўйиш, мутахассислар тайёрлаш ва институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш масалаларига кизиқиш билдирилди.

Шунингдек, Азиз Абдуҳакимов Туркий давлатлар ташкилоти вакилларини Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида 2027-йилда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «Eco Expo Central Asia» кўргазмасида фаол иштирок этишга таклиф қилди. Хусусан, кўргазма доирасида чўлланишга қарши кураш, ерларни тиклаш, сув самарадорлигини ошириш ва курғокчил ҳудудларда барқарор иқтисодиётни ривожлантириш бўйича инновацион стартаплар ҳамда технологик ечимлар намоиши этиладиган «Desert Economy Startup Corner» махсус майдончасини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Мухим учрашувлардан бири BRICSнинг Янги тараққиёт банки президенти Дилма Руссефф билан бўлиб ўтди. Музокаралар давомида томонлар «яшил» иқтисодиёт, барқарор инфраструктура ва иқлим ўзгаришига мослашув лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Азиз Абдуҳакимов Ўзбекистон Янги тараққиёт банкини барқарор ривожланиш ва экологик трансформацияларни қўллаб-қувватловчи етакчи, кўп томонлама молиявий институт сифатида юқори баҳолашини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда «яшил» иқтисодиётни шакллантириш, иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Томонлар қайта тикланувчи энергетика, сув ресурсларини барқарор бошқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига мослашув йўналишларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқдилар. Ўзбе-



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ: ЭКОЛОГИЯ ЙўНАЛИШИДАГИ КЕЛИШУВ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Анқара шаҳрига амалга оширилган хизмат сафари доирасида Ўзбекистон Республикаси Экология вазирининг биринчи ўринбосари Обиджон Қудратов бошчилигидаги Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси делегацияси Туркия Республикаси Атроф-муҳит, шаҳарсозлик ва иқлим ўзгариши вазирлигида вазир ўринбосари Фатма Варанк билан учрашув ўтказди.

Учрашувда, шунингдек, директор ўринбосари иштирок этди. Музокаралар чоғида Фатма Варанк Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига

қарши кураш соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юқори баҳолади. У Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш тамойилларини илгари суриш ва экологик ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро ҳамда минтақавий ташаббусларининг аҳамиятини таъкидлади.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши, барқарор ривожланиш ва қўшма экологик лойиҳаларни амалга ошириш соҳала-

ридаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини ҳам муҳокама қилдилар.

Учрашувда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенцияси иштирокчилари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур конференция 2026-йил ноябр ойида Туркия Республикасининг Анталия шаҳрида бўлиб ўтади.

Учрашувда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенцияси иштирокчилари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур конференция 2026-йил ноябр ойида Туркия Республикасининг Анталия шаҳрида бўлиб ўтади.



Иллат

ТАРМОҚДАГИ ҚАРМОҚ

Интернетнинг оммалашиши натижасида онлайн қимор ва турли таваккалчиликка асосланган ўйинлар кенг тарқалмоқда. Бу каби ўйинлар осон даромад топиш ва қисқа вақт ичида бойиш ваъдалари билан кўплаб инсонлар, айниқса, ёшларни ўз домига тортмоқда.

Аслида, онлайн қимор ўйинлари молиявий йўқотишлар, қарздорлик, оилавий низолар ва руҳий тушкунлик каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай платформаларнинг асосий мақсади, иштирокчиларнинг маблағини кўпайтириш эмас,

балки уларни доимий равишда ўйинга жалб қилиб туришдан иборат.

Таваккалчиликка асосланган ўйинларга тобалик инсоннинг меҳнат қилишга бўлган қизиқишини сусайтиради, вақтни беҳуда сарфлашга ва жамиятдаги ижтимоий муно-

сабатларнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро, айниқса, ота-оналар фарзандларининг интернетдаги фаолиятига бефарқ бўлмасликлари лозим.

Унутмаслик керакки, ҳалол меҳнат орқали топилган даромад инсонга барака ва хотиржамлик олиб келади. Онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар эса моддий ва маънавий таназзул сари етаклайди.

Жаҳонгир ШАМСУДДИНОВ,
Қарши ҳарбий прокурори ёрдамчиси,
адлия катта маслаҳатчиси.



КАЛТАКНИ ОЛҚИШЛАЁТГАН КАТТАЛАР



Ўқитувчи болани урса, жамият иккига бўлинади... деб ўйласам, аслида жуда кўпчилик катталар болаларни ўзига душман, катта рақибдек кўраркан. Бир томонда ўқитувчи болани урди, деган хабар, иккинчи томонда 14 ёшли бола электричка устига селфи тушаман деб электричкага чиқиб, ток уриши натижасида 80 фоиз куйиш жароҳати боис жонлантириш бўлимида ўлим билан олишиб ётгани ҳақидаги олдинги хабар.

Энди шу хабарлар тагига бизнинг катталар ёзаётган айрим изоҳларни кўринг:

«Ажаб бўпти, мактабга шўхлик қилгани борганми? Бизниям уришган, ўлмаганмиз», «Селфи балоси бошингни едими, куйиб кетган бўлса ажаб бўпти, баттар бўлинглар, ота-онанга жабр», «Ўқитувчи бекорга урмайди, боланинг ўзида бордир»...

Бу қандай шафқатсизлик? Нима учун бизнинг жамиятда катталар болаларни ўзига душмандек, рақибдек кўради? Бола ўлса, калтакланса, куйиб кетса ичингиздан бир хурсандчилик, «мен айтгандим-ку» деган хотиржамлик уйғонадими сизда, мен олдиндан ҳамма нарсани биламан, деб ўзингизни ўзингиз тасдиқлаб хурсанд бўласизми? Рост-да, ахир сизнинг болалигингизда ҳеч ким тасдиқламаган, сизни ҳеч ким эшитмаган...

Мана шу «Калтак есам ҳам ўлмадим, одам бўлдим» дейдиган катталарнинг ичида аслида қандай бахтсиз, улғаймай қолган, кўрқоқ болача яшириниб ётибди? Сизлар аслида нимани тан олгингиз келмаяпти?

Агар бугун «Болани уриш жиноят, бу зўравонлик» деб тан олсангиз, демак, ўз вақтида сизни калтаклаган ота-онангиз, устозларингиз зўравон бўлганини тан олишингиз керак бўлади. «Мен калтак еганман ва мени хўрлаганлардан хафаман» деб айтишга юрагингиз бетламайдими, зўравонлик кўрганингиз учун зўравонликни қораласангиз ва зўравонликдан нафратлансангиз «бахтли болалик» деган иллюзиянгиз чилпарчин бўлишидан кўрқасизми? Чунки буни айтсангиз, ўз ота-онангиздан, устозингиздан хафалигингизни, норозили-

гингизни бўйнингизга олишингиз керак. Аммо бизни итоатгўй қилиб тарбиялашганки, қандай қилиб ўз норозилигимизни билдира оламиз, ўз ҳақлигимизни айта олмай-диган жамиятда улғайган бўлсак... «Устоз отангдан улуғ» деган мақолчи, сиз устозам, отаям зўравонлиги билан улуғ деган ўз ақидангизга қарши чиқа олмайсизку. Ёки ўша сиз яшаган тизим ўзини оқламай қолишидан кўрқасизми?

Ёки боланинг шўхлигини, хатосини айбдор қилиш орқали шунчаки ўзларингизни ва фарзандларингизни бало-қазолардан асрамоқчи бўласизми? Ижтимоий тармоқда вафот этган болани ёмонлаб, «Менинг болам тарбияли, у ҳеч қачон поезд устига чиқмайди, куйиб ўлмайди, уни ҳеч ким урмайди» деб ўзларингизга таскин берасизми? Шунчаки хавфсизлик иллюзияси бу? Агар бола айбдор қилинмаса, айби бўлмаса, калтак емайди, деган ишончингиз йўқолиб қолишидан чўчийсизми? Айбдор бўлмаган одамга ҳеч нарсаси қилмайди, деган ишончингиз ўзини оқламай қоладими? Унда айтингчи, 2 ёшли болани уриб ўлдириб қўйди масалан онаси, ўша болача, гўдак айбдор бўлгани учун калтак едими ёки қаранг айбдор бўлмасаям ўлиши мумкин экан-а!

Ёки шунчаки тирикчиликдан, кундалик ташвиш ва стресслардан тўпланган ғазабингизни қаерга сочишни билмай, энг заиф қатламга, ўзини ҳимоя қилолмайдиган гўдакларга, ҳатто ўлими билан ҳам ўзини оқлолмайдиган марҳум болаларга сочиб, ҳовурингизни босиб оляпсизми? Сиз катта одамсиз-ку, нега бола ёки ўсмир калтакланса, ўлса, куйиб кетса, ғанимингиз, душма-

нингиз вафот этгандек, БОЛАчалардек чапак чалиб хурсанд бўлаяпсиз. Ёки ҳалиям боламисиз?! Ўсмирмисизки, тенгдошингиз қулаганидан хурсандсиз ва қачон каттарасиз, эҳтимол калтак емаганингизда, эшитилганингизда, ота-она, ўқитувчи томонидан ШАХС сифатида ҳурмат қилинганда, эҳтимол бугун ўсмир ва болалар зўравонликка учраса, болачалардек чапак чалмасмидингиз. Ахир, қачон катта одам бўласиз, қачон улғаясиз, қачон ўсмирлар ва ўқувчиларни тенгдошидек ўзингизга рақиб, душман, ёв эмас ДЎСТдек кўрасиз.

Калтак еб катта бўлганингиз калтак фойдали бўлганини исботламайди. Худди оч қолиб катта бўлган одам очликнинг фойдасини исботлай олмаганидек. Балки сиз ҳақиқатан ҳам яхши инсон бўлиб улғайгандирсиз. Аммо бунинг сабаби калтак эмас, балки шунга қарамай яхши инсон бўлиб қолганингиздир. Қамокхоналарга борсангиз, 90 фоиз жиноятчилар ўқитувчисидан, ота-онасидан, катталардан зўравонлик кўриб улғайганлардир... Қаранг, аслида калтак яхши одам бўлсин, деб қўлланиларди, тескари ишлаб болаларни қамокхона кузатиб қўйган жойлариям боракан!

Шунинг учун бола фожиаси ҳақидаги хабар остига «ажаб бўпти», «ўзи айбдор», «баттар бўлсин» деб ёзишдан олдин бир лаҳза тўхтаб, ўйлаб кўринг.

Нега сиз ҳалок бўлган ёки азоб чеккан болани эмас, уни жазолаган ҳаётни, тизимни ҳимоя қиляпсиз?

Нега раҳм қилиш ўрнига ҳукм чиқаряпсиз? Хатолари, айблари ва шўхликлари билан ҳам у БОЛА....

Барно СУЛТОНОВА



ЗАМОНАВИЙ ИМКОНиятлар САМАРАСИ

Бугунги глобаллашув ва ахборот технологиялари жадал ривожланаётган даврда музейлар фақат тарихий буюмларни сақловчи муассаса бўлиб қолмай, балки рақамли маданий марказ сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда.

Замонавий музейларнинг асосий вазифаси миллий ва жаҳон маданий меросини сақлаш, уни кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда янги технологиялар орқали намойиш қилишдан иборат. Шу боис рақамли фондлар ва инновацион бошқарув стратегиялари музей соҳасининг муҳим қисмига айланди.

Рақамли фонд – бу музейдаги экспонатлар, қўлёзмалар, архив ҳужжатлари, фотосуратлар ва бошқа материалларни электрон шаклда сақлаш тизимида. Бундай тизим маданий бойликларни узок муддат асраш билан бирга, улардан фойдаланиш имкониятини ҳам кенгайтиради. Илгари музей материалларидан фақат муайян жойда фойдаланиш мумкин бўлса, рақамли технологиялар орқали уларга интернет тармоғи орқали мурожаат қилиш имконияти пайдо бўлди.

Замонавий музейларда инновацион бошқарув стратегиялари кенг қўлланилмоқда. Жумладан, электрон каталоглар, сунъий интеллект, виртуал ва қўшимча реаллик технологиялари музей фаолиятини янги босқичга олиб чиқмоқда. Масалан, виртуал экскурсиялар орқали одамлар уйларида чикмаган ҳолда дунёнинг машҳур музейларини томоша қилишлари мумкин. Бу эса музейларнинг аудиториясини янада кенгайтиради.

Рақамли бошқарув тизими музей ходимларига ҳам катта қулайлик яратади. Экспонатлар ҳақидаги маълумотларни тез топиш, уларнинг ҳолатини назорат қилиш ва архивлаштириш жараёнлари анча осонлашади. Шу билан бирга, булутли техно-

логиялар орқали маълумотларни хавфсиз сақлаш имконияти бўлади.

Музейларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги инновацион стратегиянинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Онлайн кўргазмалар, жонли эфирлар ва интерактив дастурлар орқали музейлар ёшларнинг маданий меросга бўлган қизиқишини оширмоқда. Бу эса маданият ва тарихни тарғиб қилишнинг самарали усули сифати-



да аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, рақамли фондларни бошқаришда техник воситаларнинг қимматлиги, мутахассислар етишмаслиги ва киберхавфсизлик сингари ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг Музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан соҳага оид қарорлар ижроси юзасидан босқичма-босқич қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан: 18-май – Халқаро музейлар куни муноса-



бати билан музей ходимларининг малакасини ошириш, давлат музейлари томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, ташаббускор ва ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришган музейларни рағбатлантириш мақсадида семинар-тренинглар ташкил этилиб келинмоқда.

2026 йилнинг 23-24 май кунлари Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида ташкил этилган “Замонавий музейлар ва рақамли фондлар: инновацион бошқарув стратегиялари” мавзусида ташкил этилган семинар-тренинг фикримнинг далили. Ушбу семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Элмурод Нажимов; Хива шаҳар ҳокими Темур Давлатов музейлар асрлар оша аجدодлардан авлодларга қолдирилган катта хазинани келажак авлодга етказиб берадиган маънавий-маърифий маскан, бекиёс тарихдан хазина эканлиги, уларни келажак авлодга қолдиришда замонавий музейлар ва рақамли фондлар орқали инновацион бошқарув стратегияларини амалга ошириш мумкинлиги хусусида фикр юритдилар.

Музей фондларини сақлаш ва бошқаришнинг замонавий инновацион технологияларидан фойдаланиш усуллари борасида қатор соҳа вакиллари ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Мухтасар айтганда, замонавий музейлар ва рақамли фондлар маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилишнинг янги имкониятларини яратмоқда. Инновацион бошқарув стратегиялари эса музейларни давр талабларига мос равишда ривожлантириб, уларни глобал рақамли билим марказига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Санобар МАТЛУБОВА,
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи
директори





ҲАЁТДАН ВОЗ КЕЧИШ ЕЧИМ ЭМАС

Ишхонада ўтирар эканман, эшик ортидан бақирган овоз эшитилди:

– Ёрдам! Ёрдам!

Саросима билан келаётган машина сигналини асло тўхтатмасди. Қизил худуддан барчамиз отилиб чиқдик. Эшик олдида бир эркак беморни машина орқа ўриндиғидан туширишга уринди. Бориб ёрдамлашдик.

– У 7 ойлик келинчак, мен акасиман! Ёрдам беринг! – дея бақирарди.

Бемор деярли агонал ҳолатда эди. Сатурация кўрсаткичи 45%, пульси ипсимон, қон босими аниқланмасди. 20 ёшли аёлнинг оғзи кўпириб кетган, териси оппоқ, тана ҳарорати муздек. Саволларга жавоб бермайди. Хушсиз. Кўз қорачиқлари мувоzanатсиз.

Акаси тинмай:

– Дори ичиб қўйибди! Ёрдам беринг! Ҳаммани чақиринг! – дея бақирарди.

Кислородга улаб, ошқозо-

нига зонд қўйишим билан нақ 1 литр ҳашаротларга қарши қўлланадиган фосфорорганик кимёвий модда отилиб чиқди. Унинг аччиқ ҳиди хонани қамраб олди. Шу қадар ўткир эдики, кўзни ачиштирарди.

Ошқозонни ювишга киришдик.

– Унинг пульси йўқоляпти! Адреналин! Атропин! Гормон! – дея бақирди шифокор.

Ҳамма ёрдамга шай эди. Кимдир инфузион терапия билан, кимдир зонд билан ишларди.

– Беморни зудлик билан ИВЛга олиш керак. Сунъий нафас аппаратини тайёрланг!

Буйруқ олдим.

Шифокор ларингоскоп билан оғиз орқали кириб ҳалқум ва овоз пайларини кўздан кечирди. Кўрувда ҳалқум шишиб кетган, деярли қора тусга кирган эди. Эндотрахеал трубка ўрнатилди. Найча жойлашуви текширилди. Кўкрак кафаси ҳаракати ва нафас товушлари бир

маромда эди. Найча маҳкамланди.

Беморга кислород ва сунъий нафас ёрдамида нафас тикланди. Шифокорларнинг тезкор ёрдами беморнинг нафас йўли ёпилиб қолишидан асраб, ҳаётини сақлаб қолди.

Унинг сийдик йўлига катетер қўйиш амалиётини ўтказмоқчи бўлдим. Кўрувда бемор бўшанган, ахлати эса тўлиқ кимёвий модда аралашмаси эди. Уни дарҳол клизмага тайёрладик.

Бир беморни ҳаётга қайтариш учун 8 киши ишлардик. Ҳаёт кўрсаткичлари тиклана бошлади. Нақ 3 соатлик ёрдам уни ҳаётга қайтарган эди.

Маълум бўлишича, бемор турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, ўз жонига қасд қилишга уринган. Турмуш ўртоғи эса аёлнинг акасига синглингни шифохонага олиб бор, деган. Ака боргунича вақт йўқотилган. Ўша дамда бечора ака оёқяланг

ҳолда машина бошқариб келган экан. Ишонасизми, қизил худудда беморнинг икки марта юрак фаолияти тўхтади. Ўтказилган реанимация ёрдамида яна ҳаётга қайтди.

Ҳаётдан воз кечиш шунчалар осонми? Наҳотки бардош етмаса? Борди-ю ёрдам кечикканда, ҳаёт яқунланиши мумкин эди. Инсон ўзига берилган умрдан оқилона фойдаланиши керак. Ҳар қандай муаммонинг ечими бор, аммо инсон умрининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Энди аёл марказда бир муддат даволалишига тўғри келади.

Ҳаёт бизга берилган энг буюк неъматдир. Бир лаҳзалик алам ёки тушқунлик билан қабул қилинган қарор бутун умрга татийдиган пушаймонликка айланиши мумкин. Қийинчиликлар қанча оғир бўлмасин, инсон ёрдам сўраши, яқинларига суяниши ва яшаш учун курашиши керак.

Гулбахор ПРИМОВА





МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси



100 ДОЛЛАРЛИК КЕЛИН

юборишди — “каттаконлар” экан!

Нима жин урди-ю, ота-она-си давлат идорасидаги ишларини ташлаб, Америкага ишлагани кетди!

Нима етишмасди уларга, ҳайронман! Уй жойи бор, машинаси бор, ўқимишли, зиёли оила эди! Ўғилларини уйлантиришганда бутун шаҳар аҳлининг оғзи бир ҳафта “ёпилмай” қолганди, ҳашамату дабдабадан.

Қизи уч болали бўлди, ҳозир кўрсангиз танимайсиз, бечоранинг аввалги чиройидан асар ҳам қолмаган. Камига ҳар ҳафта ё ойда ота-онасиникидан 100 доллар олиб бормаса, қайнонаси ва эри уйига

киритмас экан! Ҳар балони баҳона қилиб, жанжал ясаб, ҳаётини дўзахга айлантираркан. Буни ҳамма билади. Маҳалламизда уни “100 долларлик келин” деб аташади...

Ўша қизни мен ҳам танирдим — унга ҳавас қилмаган одамнинг ўзи йўқ эди, ростдан. Жуда тарбияли, қобилиятли, билимдон ва гўзал қиз эди...

Қизларим гўзал бўлишини мен ҳам орзу қилгандим!..

Аммо, ҳусн берса-ю бахт бермаса қийин экан.

Энди эса фарзандларимнинг аввало бахтли, толеи гўзал бўлишини истайман...

Нима дедингиз?

Ҳамкасбим кулибгина ҳикоя қилди:

— Мен бу қизни келин қилмоқчи эдим, аммо бизни назар-писанд қилишмади. Яхши киз эди, харидорлари ҳам жуда кўп эди! Кимлар келин қилишни орзу қилмасди-я!.. Шаҳардан сал узокрокка узатиб



«Энди туғмайман...»

Яна уйга жавоб берадиган куни уялмасдан қаторлашиб туришганмиш...охирги кун биттаси келиб, мен педиатрман дейди, унга ҳам пул бериш керак экан, уни шу 4 кун ичида бирон марта ҳам кўрмаган синглим.

Палатада бирга ётган ёш келинчакнинг яқинлари пул беришмагунча, у бечорага ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамабди!

«Бу нимаси, опа! Яна давлат касалхонаси. «Частний»да туғсам бўлмасмиди?!

Илгари бунақа эмасди-ку, фақат кўлингга қарашаркан. Пули бўлмаганнинг ҳолига вой! Жони икки дунё орасида илиниб турган ҳомиладор аёлларга ачиниб кетяпман...

Бошқа туғмайман-ей, бунақа дўхтирларга дуч келгандан, туғмаган маъқул», дейди синглим.

Ўша куни 4 кишини операция қилиб туғдиришган. Ўша врач АЁЛ бир кунда қанча топаётганини тасаввур қилинг! Тиббиёт ходимлари энг кам маош олишади, дейишади.. уларга маошнинг кераги йўқ, кунда

шунақа тушум бўлгандан кейин!

Бу инсофсизлик эмасми?..»

Кўшни аёл куйиб-пишиб яна бир нималар деди. Қулоғимга кирмади, рости.

Бу ой бир яқинимнинг кўзи ёриши керак — ҳаёлим ўшанга кетди. Уларда бунча пул бормикан, ишқилиб? Туғишдан олдин шундоғам бизда ҳамма йиғинади, тайёргарлик кўради — бу одат.

Ишқилиб инсофли докторларга дуч келсин-да!

Иштаҳаси «ғор»лар учрамасин!

Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА

«... Синглим яқинда фарзандли бўлди. 4 кун туғруқхонада ётган бўлса, 1,5 минг доллардан зиёд пул кетибди.

Катта фарзанди мактабга чиққан, узок вақт ҳомиладор бўлолмаганди.

«Опа, ҳозир врачлар тиланчи (талончи!) бўлиб кетибди-я», дейди.

Кесарча кесиш йўли билан фарзандини қўлга олган...

Операция қилган врач 200 доллар, ёнида қатнашган яна 2 та врач 50 доллардан пул сўрабди, куёвдан. Яна ҳамширалари ҳам бор экан.

Деярли ҳамма дори-дармонини ўзлари олиб беришган.



Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
**Максуд
ЖОНИХОНОВ**

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



ФАРЗАНДИНГИЗ ГАДЖЕТЛАРГА ҚАРАМ БЎЛСА, ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ КЕРАК?

Нега бола бутун бўш вақтини ўйин ўйнаш ёки ижтимоий тармоқларни кўриш билан ўтказиши ҳамда смартфонлар айтилгандек ёмонми ёки йўқлигига профессионал психолог, ота-она ва бола муносабатлари бўйича мутахассис Карина Рихтер жавоб берди.

Болаларнинг технологияга қарамлигининг 4 сабаби

Болаларнинг сеvimли машғулоти муаммоси ҳар доим ота-оналарни ташвишга солган. Ҳатто 50-70 йил олдин ота-оналар болаларига ўқишни фаол равишда тақиклаган, чунки бу уларнинг кўриш қобилятига таъсир ўтказган. Аммо китобсевар болалар кўрпа остида фонар билан ҳам ўқиган. Бугунги кунда ота-оналар гаджетлар билан курашмоқда, аммо уларнинг ўзлари ҳар дақиқада “Telegram” ёки “Instagram”даги хабарларни текшириб, смартфонга қарайди.

Баъзи катталар учун бу ҳақиқий қарамликка айланди, агар улар онлайн ҳаётдан воз кечса ёки бирмунча вақт интернет ва телефонсиз қолса, ташвиш ва ноқулайликни ҳис қилади. Шу билан бирга, улар болалардан гаджетдан фарқли ўлароқ китоблар, жисмоний ўйинлар ўйнашини кутади. Агар бундай қарамлик катталарда пайдо бўлса, болалар ҳақида нима дейиш мумкин? Уларнинг гаджетларга бўлган иштиёқи кўпинча ота-оналарига қараганда жиддийроқ бўлади. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилади:

1. Болалар ўзларини қандай бошқаришни билмайди.

Бу ирода ёки интилишнинг етишмаслиги эмас, балки болалар мияси билан боғлиқ. Ўз-ўзини назорат қилиш ва ҳар қандай васвасага йўқ дейиш қобиляти учун масъул бўлган кортекс соҳалари етарли даражада шаклланмаган. Улар фақат ўсмирлик даврининг охирида,

яъни тахминан 20 ёшда тўлиқ шаклланади.

2. Болалар ўзлари қизиққан нарсага осонгина тобе бўлади.

Бола ўйинчоқлардан минора куриш учун бир неча соат сарфлаши мумкин. Одатда, бола бунда натижага эриша олмаса, қизиқарли фаолиятдан воз кечади. Аммо чексиз ўйинлар ва ижтимоий медиатасмаларига эга смартфон ҳар қандай бола учун ўйин-кулгини таклиф қилади. Ўйнашдан чарчаган ҳолда “TikTok”да нима жойланганини ёки “YouTube”да мультфильмларни томоша қилиши мумкин.

3. Болалар ишлашдан кўра завқланишни афзал кўради.

Умуман олганда, бу нафақат болалар, балки катталар руҳиятига ҳам хосдир. Ҳар қандай одам ишлаш ёки ўқишдан кўра ўйин-кулгини афзал кўради. Смартфон эса уларнинг асосий манбаидир.

4. Атрофдаги муҳит қулай бўлмаса, болалар унинг атрофидаги дунёдан кўра смартфоннинг муқобил реаллигини афзал кўради.

Илгари бунинг учун китоб ва фильмлар чиқарилган. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ва кўнгилочар хизматларнинг виртуал ҳақиқати ҳар қандай мос дунёни танлаш ва ўзни ўзгартирмасдан хоҳлаган одамга айланиш имконини беради. Гаджетлар бугунги кунда болаларни виртуал оламга олиб борадиган ва уларнинг эътиборини тўлиқ ўзига тортадиган маконга айланмоқда.

Ота-оналар учун 5 маслаҳат

Гаджетлар боланинг ҳаётига фойдали таъсир кўрсатмайди.

Психологдан 5 та маслаҳат

Статик ҳолатда узок вақт фойдаланиш, кичик экрандан ўқиш ва доимий равишда милтиловчи расмлар болаларнинг соғлиғига бевосита таъсир қилади. Кўриш, умуртқа поғонаси, бош оғриғи, чарчоқ ва ортиқча вазн билан боғлиқ муаммоларга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, смартфонлардан ортиқча фойдаланиш ўрганишни камайтиради, когнитив қизиқишни пасайтиради ва диққат етишмаслиги гиперактивлик бузилишининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Бошқа томондан, смартфонлар ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди. Агар болада гаджет бўлмаса, у жамоада ажралиб қолади, замонавий тенденциялардан хабарсиз қолади, машҳурларни танимайди ва тенгдошлари қандай яшашини билмайди. Бундан ташқари, гаджетлар таълим платформаларига киришни ҳам таъминлайди, энг яхши ўқитувчилардан онлайн тарзда ўрганишга ва турли кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Аслида, муаммо боланинг смартфони борлигида эмас, балки унинг ҳақиқий ҳаётини алмаштириб юборишидир. Уни қандай тузатиш керак?

Ўзингиздан бошланг. Агар бола ота-онасини доимо компьютерда ёки кўлида телефонда кўрса, у уларни нусхалайди ва бутун вақтини гаджетга бағишлайди.

Гаджетлардан чалғитиш учун фойдаланманг. Агар болага эрта ёшдан бошлаб гаджет зерикаш билан курашишнинг энг яхши усули экани ўргатилса, вақт ўтиши билан фақат у билан боғланади.

Вақтни эмас, балки мазмунни назорат қилинг. Таълим, таълим дастурлари ва видеолари учун ҳеч қандай чекловлар йўқ, вақт эса кўнгилочар контентга қатъий чекланади. Ўйин ва иловалар орқали тилларни ўрганиш, мантиқ ва луғатни ривожлантириш, математика кўникмаларини ўргатиш, табиат ва тарих ҳақида маълумот олиш мумкин.

Муқобил ўйинларни таклиф қилинг. Болалар ўзига қандай ғамхўрлик қилишни билишмайди. Уларга буни ўргатиш керак. Фарзанд зерикканида нима қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Китоб, дўстлар билан сайр қилиш зерикашдан чалғитиши мумкин, китобларда вазифаларни ишлаб чиқадиган конструкторлар ва бошқалар.

Гаджетларсиз зоналарни ўрнатинг. Мисол учун, телефонни столда ва ётоқхонада қолдириб бўлмайди, лекин саёҳат пайтида ундан видео ва фотосуратлар олиш ёки саёҳатдан жонли репортаж қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Қоидалар барча оила аъзоларига тегишли бўлиши керак. Агар болага телефон билан тушлик қилишга рухсат бермасангиз, лекин ўзингиз янгиликларни ўқисангиз, бу қоида табиий норозиликка сабаб бўлади. Худди шу нарса контентга ҳам тегишли: агар оддий ўйинлар ёки “Instagram”да дўстингизнинг маникюрига қарасангиз, боладан Жанубий Африка табиатига қизиқишини сўраш ғалати. Агар ишингиз интернет билан боғлиқ бўлса, телефон ёки ноутбук экрани олдида кўп вақт ўтказсангиз, болага айнан нима қилаётганингизни кўрсатинг. У сизни завқланиш эмас, балки ишлаётганингизни кўриши керак. Бундай ҳолда болада гаджетларга иш қуроли сифатида муносабат ҳам шаклланади ва у уларни ўйин-кулгининг ягона манбаи сифатида қабул қилмайди.

Ҳилола ГИЁСОВА